

ТОШКЕНТ ОҚИЧОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ҳалқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 223 (6. 712)

©1988 йил 29 сентябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин



Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Мақсадимиз — жўшқин меҳнат

Иккинчи фабриканинг қайта тараш цехи Тошкент тўқимачилик комбинатининг илгор коллективларидан саналади. Бу ерда қийинчилик қўпчилиги қарамай, ой сайин муваффақиятларга эришилмоқда. Цех қайта тараш ишларининг ўнлаб хиллини ишлаб чиқаради. Айнан мана шунинг ўзи коллектив ишининг нақадар машаққатлидан далолат беради. Ҳатто шундай пайтлар ҳам бўладики, цехда ишнинг ўнлаб хиллини муқим эмасдай қўлади. Аммо цех коммунистлари барча резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, қийинчилиكنи енгидилар. Шу бондан ҳам цех бошлангич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида цех бошлангич партия ташкилотининг секретари Н. Пожиткова салмоқли фактларни келтирди. Кейинги уч йилда цехнинг иш кўрсаткичи ўртача 102 процентни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш унумдорлиги 106,5 процентга етди. Шунинг учун ҳам цех ассортиментлар бўйича планини ундади келмоқда. Шунингдек, юқори сифат самардорлигига ҳам эришилмоқда. Норматив бўйича маҳсулотнинг 30 процентини олий сортга, 60 процентини биринчи сортга ва 10 процент хом ашё иккинчи сортга қабул қилинмоқда.

Бундай муваффақиятларга эриша бориш осон бўлмапти, албатта. Негаки тажрибали ишчилар бу ерда камчили. Цех ишчиларининг 80 фоизи ёш ишчилардан иборат. Янги ишчилар ёшларга юқори тезликда ишлаш учун иш жараёнини пухта ўргатиш лозим бўлади. Цех коммунистлари бу масалани ҳам муваффақиятли ҳал этдилар. Ёш тўқимачилар билан коммунистлар — цех бошлиғи С. И. Сулаймонов, нормировкачи З. Некиселова, цех бошлангич партия ташкилотининг секретари, комплекс бригад етакчиси Н. Пожиткова ва йигирувчи А. Дивалевлар иш олиб бордилар. Шу бондан ҳам Н. Пожиткова ўз нутқида шундай сўзларни келтирди: «Ишмизда касб ўрганиш — кечаги мактаб ўқувчиси ҳаётида илк қадам. Унинг дастлабки ютуқларидан хабардор бўлиш, маънавий руҳлантириш бориш, қийинчиликлардан қўчмасликка ўргата билиш зарур. Негаки бу унинг кейинги тақдир билан жуда боғлиқ».

Коммунистларнинг жипслашуви туфайли ҳам цех ўз коллективига хунар-техника билим юртининг 35 ўқувчисини қабул қилиб олди. Унда яна С. Сулаймонов, Д. Адилова, А. Дикалева ва С. Гомерларнинг хизмати катта бўлди. Улар шогирдларнинг ётоқхоналарида бўладилар, ота-оналари билан алоқа боғлайдилар, умуман қандай масалада бўлмасин яқиндан қўмақлашиб борадилар. Қизлар эндиликда 190—200 сўмдан маош оляптилар. Дастлабки ютуқларидан коллектив ҳам, ўзлари ҳам хурсанд.

Шу билан бирга улар беш йиллик илгорларидан бўлиб танилган В. Ким, Г. Козловская, Т. Нецаева, Г. Саидзимова ва Р. Ярулиналар сафидан жой олдилар. Ўз навбатида улардан кейинги ёш ишчилар ҳам ҳар бир қаққанинг қаққига ета оладилар бўладилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида коллективда бригада метод асосида ишлашга ўтатиладиган сўнгги бир қатор ютуқларга эришилгани алоҳида таъкидланди. Ишчиларнинг меҳнат катта қизқинчилиги бир мунча ўсбани қолмасдан маъсуллик ҳисси ҳам ошди. Бригададаги ҳамма нафақа диққат-этиборда. Шунинг учун ҳам ҳозир цехда план-топиригини бажаришда илгорларнинг ўзи йўл. Агар бирорта қолоқ ишчи учраб қолса қараб турилмайди. Тезлик билан цех бошлиғи ва смена мастери иштрокида йиғилиш ўтказиладилар. Умуман, ҳар бир ишчиларнинг ўзи кунлик иш қандай эканлигини яхши билади. Йигирувчиларнинг ҳаммасида шахсий дафтарча бўлиб, унга кунлик ланлари бажарилиши қайд этилади.

Ҳозирги кунларда цехда ишга яхши келган ишчилардан ташқари, коллективнинг барча аъзоси ишлаб чиқариш илгорлари бўлиб саналади. Шу туфайли ҳам цех социалистик мусобақанинг пешқадами бўлиши ажабланирли эмас.

Бу деган сўз мазкур цех коммунистлари энди бемалол,

Шон-шухрат саҳифалари

Орден Ленин музейида сақланади

Тошкент сазовор бўлган биринчи давлат мукофоти — Қизил Олдуз ордени шу кунларда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига топширилади. Шаҳар Совети илгория комитети ана шу муқаддас мукофот худди шу ерда сақланиши лозим, деган қарорга келди.

...Тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари орденининг ўзига ҳос нусхаси — унинг тошга чизилган тасвиридан қўллангари айна йил бўлди. Мармар тошда ақс эттирилган бу орден 1918 йили Октябрь революциясининг манбалари ҳамда унинг амалга оширилган, тарқатилган ҳуруш, ўлкаларда совет ҳокимияти ўрнатилиши ҳақида қўллангари монументал пропандандинг ёрқин бўғинига айланди.

Орденнинг мармар тошга туширилган тасвири шаҳар Совети биноси қаршига. Пролетар қўлигага ўрнатилганлиги катта рамзий маъно касб этади. Чунки бу мукофот Тошкент шаҳар пролетариатига революцияда кўрсатган жангавор хизматлари учун берилганлиги ана шу тошга ўйиб ёзилган.

...Энди қарорнинг тўла тексти ҳамда Қизил Байроқ орденининг ўзини В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида қўриш мумкин. Орден ва Тошкент пролетариатининг мукофотлаш тўғрисидаги давлат ақтининг ҳақиқий нусхаси бирга қўйилган. Бу тарихий ҳужжатда империалистик ҳурушларга қарши муқофода маркалардан бири сифатида Тошкент шаҳри ишчиларининг хизматлари шундай тақдирланганлиги айтилган.

Шаҳарини мукофотлаш ҳақида 1924 йилнинг 14 апрелида қарор қабул қилинган ва у беш кундан сўнг имзоланган эди.

Бундан буён Қизил Байроқ ордени В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг асосий экспозицияларидан бири бўлиб қолади.

Е. ЕФИМОВ.

ЎзТАГ мухбири.

хотиржамгина ишласа ҳам бўлар экан, деган маънони бермайди. Нотўғталганидек: «Мамлакатимиз ҳаётида қайта қуришнинг янги палласи бошланди. Янада юқори самара ва унумдорлик билан ишлаш вазифа қилиб қўйилди». Эндиликда цех коммунистларининг ташаббуси билан бутун куч хом ашё ресурсларидан тежаб фойдаланишга қаратилган. Ҳар кун осиб қўйиладиган кўрсаткичлар тахта-сида ишчилар кунига қанча маҳсулот сарф қилиб, қанча тежасини ҳамда қанча исрофгарчиликка йўл қўйилгани ёзиб қўйиладилар. Ишнинг бу усули ўзининг яхши натижасини берди, чиқинди чиқариш бир мунча қамайди. Улар албатта бу билан чекланиб қолмаётдилар. Тежамкорлик ишлари давом эттириляпти. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида 15 та рейд ўтказилган. Ҳамда 35 киши хом ашёдан тежаб фойдаланишда совуққонликка йўл қўйганлари аниқланган. Уларнинг ҳаммаси моддий жавобгарликка тортилди.

Коммунистлар ҳар бир ишда назорат лозимлигини уқтиришади. Шунинг учун ҳам цех ағона назорат группасини бошқараётган О. Кимга меҳнат интизомини ҳаммаша назорат қилиб бориш вазифаси топширилган. Қўп мартабала рейдлар олиб борилди. Ва шу нарса аниқландики, ишчилар орасида, айниқса ёшлар ичда ишни кеч бошловчилар ёш эртақор тутатиб жуфтаниш ростилаб қолувчилар бор экан. Меҳнат коллективни бундайларнинг ўз сафларидан йўқотиш тадбирларини кўриб чиқдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа коммунистлар ҳам нотўғри фикрларни тўқидилар. Йигирувчи Л. Гаранова цехда ремонт-қурилиш группасининг ишлари низолатда оғда эканлигини, қийинчи кировли қурилишга ремонтнинг қўйилишини қатъий таъкид қилди.

Мастер ёрдамчиси Ш. Нуриддинов эса цехда қолоқларнинг бўлмаслиги учун ишчилар малакасини ҳаммаша ошириб бориш лозимлигини айтди.

— Агар ёш ишчи кунлик нормасини бажариб бора экан, бу билан хотиржам қолмаслигимиз керак, — дейди мастер ёрдамчиси ўз сўзида, — ёшлар малакасини ошириш, коллективда янги-янги резервлар очиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш инструктори Ф. Қаймонов ҳам унинг бу фикрига тўлиқ қўйилишини билдирди. Цехга ишчилар синфининг янги группаси келиб қўйилгани, ёшлар ишчилар учун қийин, албатта. Шу бондан тажрибали ишчилар группа ўқувчиларини ёлларига олиб йигирувчилик касби сирларини кўп билан ўргатмоқдалар. Натияжада бу коллектив учун юқорида айтганимиздек юқори самараларни қўлга киритишларида ёрдам бермоқда.

Коммунист Р. Фертова цехда иш шариоити, ҳусусан нормал температура қачон ахшиланадиган, деган саволни қўйди. Ҳолбуки, бу нарса маҳсулот сифатигагина эмас ишчилар соғлиғига ҳам таъсир этиб келади. Совиувчи компрессор станцияси қурилатганида ҳаммаша маълум. Аммо у қачон ишга тушади... Барча имкониятлардан фойдаланиб иш шариоитларини ахшиллаш шу куннинг кечиктириб бўлмас вазифаси.

Цех бошлиғи С. Сулаймонов ишчилар ўз участкасида иқтисодий анализ қилишнинг ўрганишлари лозимлигига тўғрйлаб ўтди. Бу эса ишчиларга ҳалол меҳнатининг тийин-тийини қачон ҳамма имконини беради. Шунингдек, цехда қўшмача резервларни топишганигина эмас, балки комбинатнинг оғир иқтисодий шариоитдан чиқишига ҳам имкон беради.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қабул қилган қарорда ҳар бир коммунистнинг партия қарорларини амалга оширишда активлик позициясини эгаллаши зарур деб таъкидланади.

Коммунистлар цех бошлангич партия ташкилотининг секретарлигига ташаббускор ёш ишчи Светлана Гомерия сайладилар.

Ф. ХУСАНОВА.

Ўқувчилар конференцияси

О Кейинги пайтларда пойтахтдаги 127-мактабда таълим-тарбия ишлари сезиларли жонланди. Айниқса, спорт ишлари тубдан ахшиланмоқда. Мактабда ўқитиш жараёнида ҳам илмий асосда ташкил қилинмоқда. Мунтазам илмий ва назарий конференциялар,

семинарлар ўтказилапти. Ўқувчиларнинг ўз-ўзларини бошқариш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Кунин кеча шу ҳусусда назарий конференция ўтказилди. Унда моҳир педагоглар, жамоатчи ота-оналар ва актив ўқувчилар иштирок этишди.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.



33-57-02

32-55-35

«...Алло, истагингизни эшитамиз...»

Оқшомхонлар ўзларини қизиқтираётган ва ўйлантираётган муаммолар ҳақида телефон орқали ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб қанчалик қизиқаркан, «Оқшом» янада сермализм ва қизиқариш бўлади! Ана шу ягона истак барча муҳлисларни ўйлашга ва фикрлашга ундаётгани бизни қувонтирди.

Қўнда уларнинг янги фикр ва мулоҳазалари, таъкид ва истакларини сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилмай.

Абдушукур ўзбекистон, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмасининг меҳнатчи:

— Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида жуда яхши бир муаммо ўртага ташланган эди. Газета «Илгарий мавзуга қайтамиз» рубрикаси остида шу муҳим масалани яна кўтарса, яхши бўларди. Бу масала қўндагилардан иборат: «Москва» меҳмонхонаси ёнида Кукалаш мадрасаси бор, яхши биласиз. Шу мадраса орасида Жоме масжиди, унинг ортда яна бир қатор қадимий архитектура ёдгориликлари бор. Кунин кеча ушбу томондан ўтиб лол қолдик: неча асрлик ҳали меҳмончилик ва иқодий маҳсули бўлган қадимий ноёб архитектура биноларининг декорлари бугун эрта қулай-қулай деб турибди. Агар ўз вақтида тез қара кўрилмаса, биз бу қадимий ёдгориликлардан маҳрум бўлишимиз мумкин.

Ахир, «Москва» меҳмонхонаси то Ҳадра (Комсомол майдонига) оқин музей таш-

кил этишдек жуда яхши масала кўтарилган эди-ку! Бу ҳақда қим ўйлайди! Иккинчидан, «Оқшом» планлаштириш» деган гапни фақат Ўзбекистон ёки регион билан чеклаб қўймаслик керак. Учунчидан, «Ишончли мулоқот» учун катта раҳмат. У бизга дилимиздаги гапларни айтиш учун катта имконият берапти.

Қудрат Назаров, Фрунзе районидagi «Отделстрой» мастери:

— Менга Тинчлик, Дўстлик ҳақида берилган материаллар айниқса ёқад. Турли хил урғушувлар тўғрисидаги мақолалар қизиқниш уйғотмоқда.

Узбек тилидаги айрим сўзларни ўзимиз ҳам тушунаётганимиз ҳақида газета турги масалани ёритган эди. Менмича, бу масалага муттасил эътибор қаровилса, чакки бўлмас эди.

Усмон Носир ҳақида газета яхши ёзди. Аммо Ўзбекистон, Тошкентда унга ўхшаш ноёб истеъдодлар оз ўтганини! Улар ҳақида ҳам «Оқшом» саҳифаларида ўқиниш истаймиз.

Васила Ҳасанжўраева, «Матбуот» ишлаб чиқариш бirlашмасининг инженер-технолог:

— Меннинг тўрт фарзандим бор. Аммо неча фарзанддан кейин она кўп болали ҳисобланади — шунинг ҳанузгача билмайман, ростки, Қўп болали оналарга қандай имтиёзлар белгиланган! Хуллас, оналик ва болалик билан боғлиқ масалалар газетада тез-тез ёритиб турилса дейман.

Умида Ёкубова, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасининг комплектовчиси.

О ГДРнинг Совет Иттифоқи пойтахтидаги кўргазмаси — ҳаммаша байрам. Бу — ҳозирги кунга диққат блан назар солиш ва келажакка нигоҳ ташлаш имконини берадиган қардош мамлакатлар ютуқларининг кўргазмидир.

ГБСР Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кеча СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Ўйитавқасида ташкил этилган ана шу экспозиция билан таънишдилар. Бугун тонги газеталарда ана шу ҳақда «Қардошларча ҳамкорлиқни мустаҳкамлаб» сарлавҳали расмий хабар берилган.

О Совет кишилари меҳнаткаш, социалистик республикамиз ватанпарварни бўл-

ТОНГИ ГАЗЕТАЛАРДА

миш оналарга чўқур ҳурмат ва эҳтиром туйғулариини ҳис этадилар. Мамлакатининг қизлари фахрланса арзийдиган нарсалар кўп. Уларнинг беш минг нафардан зиёди Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидир, тўрт юз мингдан зиёди «Қаҳрамон она» фахрий унвонини берилган. «Правда» газетасининг биринчи саҳифасида бо-силган «Хотин-қизлар советлари бунга қодир» сарлавҳали мақолада шаҳар ва қишлоқ меҳнатчи хотин-қизларининг муаммолари ҳақида фикр юртилади.


О «Правда» газетаси ўзининг шу йил 30 август сонидаги «Ўзгаришлар кўзгусида» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистонда қайта қуришни қўллаб-қувватловчи Халқ fronti ташкил этилганлигини хабар

қилган эди. Мадад гуруҳлари корхоналарда, қолхоз ва совхозларда, ўқув юртларида ва муассасаларда пайдо бўла бошлади.

Ана шу ҳаракатининг мақсад ва вазифалари нимагадир иборат! — «Правда» газетасининг Таллин шаҳридаги муҳбирлик пунктда бўлиб ўтган суҳбатда ана шу масалалар муҳокама қилинди. Газетанинг бугунги учинчи саҳифасида бо-силган «Халқ fronti ҳақида суҳбат» сарлавҳали мақолада ана шу мулоқот тафсилотлари билан танишишнигиз мумкин.

О «Қамровли» хавфсизлик-на эришайлик! — совет делегацияси раҳбари Э. А. Шевар-надзенинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 43-сессиясидаги нутқи ана шу сарлавҳа остида берилган.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Ветеран ишчи

Бизнинг жамиятимизда ҳар бир касб ағаси ёши ўтган сайин иззат-аъломга, ёшлар эъзоз ва ҳурматида сазовор бўлиб боради. Кенса кишиларга бундай иззат-ҳурматини сабабларидан бири шундаки, улар ўз касб сирларини ёшларга бажонидил ўргатадилар, уларнинг тезроқ катта ҳаёт йўлига чиқиб олишларига астойдил қўмақлашадилар. Бир пайтлар ўзига катта меҳрибонлик кўрсатган устозини ким эсламайди дейсиз? Еки шогирдлари камолтини кўриб бир олам ғурурланиб юрадиган устозлар оз дейсизми?

Аркадий Подробников билан суҳбат чоғида беҳтёр ана шу йўлар хаёлимга келди.

Ветеран ишчиларнинг бутун бойлиги, фахри, ғурури қобилияти ёшлар, муносиб ишчи ўрнбосарларидир. А. Подробниковнинг бу борада фахрланса арзийдиган шогирдларини Тошкентдаги подшниклар ремонтни заводида қўллаб топишнингиз мумкин.

Оз эмас, кўп эмас, ҳозиргача Аркадий шу корхонага ўттиз йилдан зиёд умрини бағишлади. Бу йиллар ичда у жуда кўп нарсаларни бошдан кечириб: яхши ишчиларни ҳам, ишчиларнинг ҳам кўрди. Корхонанинг «ач-чиқ-чучуги»га чидаганларни ҳам, аксинча енгил иш пайдан

бўлганларни ҳам кўрди. Шундай ҳулосага келдикки, халқ «Дарахт бир жойда кўради», деган нақлдан бежиз яратмаган экан. Ҳақиқий иззат-аълом, айниқса ўзи тарбиялаб ўстирган ёшларнинг бугунги кунда тажрибада кексалардан асло қолишмаётганини ҳис этиш ветеран ғайратига-ғайрат, кучига-куч бағишлайпти. У дастоҳларни ремонт қилади, моҳир слесарь. Кўп йиллар, самарали ишлагани беиз кетмаганига бир олам қувонади: «Шавкатли меҳнати учун» медалини кўксига қадаб қўйишганда оламда ундан бахтли одам йўқ эди. Тармоқ министриги бўйича мусобақаларда-чи? Унда ҳам илгорлар сафидан жой олми-га бир неча бор муваффақ бўлди, министрикининг фахрий ёрликларини олди.

Аркадий Подробников ўз касбининг ҳақиқий фидойиси. У касби билан фахрланади, шунинг учун унинг қадрига етмоқда, ёшларга ҳам бунини ўқитмоқда. Чунки бахтнинг сирини ана шу фидойиликда-да!

Х. АҚРОМОВ.

© СУРАТДА: Аркадий Подробников.

Т. Каримов фотоси.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов раислигида Ҳамза Ҳакимзода Ниязий туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия шонр юбилей муносабати билан олиб борилаётган ишлар ҳақида — Қўқон ва Шохимардонда Ҳамза музейларининг қурилиши, Қўқондаги шонр туғилган унинг тикланиши, бошқа бир қатор объектларнинг бунёд этилиши ҳақида хабардор қилинди. Бу ишлар муддатига тугатилгани ва энг юқоқса савияда амалга оширилиши учун барча зарур нарсалар билан тўла таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

СССР Ёзувчилар союзи

правлениесининг қарори билан союз правлениесининг биринчи секретари В. Карлов бошчилигида Ҳамза юбилейни ўтказиш Бутуниттифко комиссияси тузилди. Москвада, Союзлар уйининг Колонна заллида юбилейга бағишланган кеча ўтказиш мўлжалланмоқда.

Комиссия Ҳамзанин 100 йиллигига бағишланган бошқа тадбирлар ҳақидаги хабарларни тинглади. Чунончи, Ҳамза номили Академик драма театри «Бой ила хизматчи» пьесасининг янги постановкасини тайёрламоқда. Бу спектакль Москвада, Халқлар дўстлиги театрида ҳам кўрсатилади. Қўқонда театр фестивали бўлади. Фестивалга турли саҳна коллективлари Ҳамза асарлари асосида тайёрланган спектаклиларни тақдим этадилар. Ҳозир Ҳамза асарлари

беш томли академик нашла-рининг биринчи китоби босмадан чиқди. Бошқа юбилей нашла-рини ҳам ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида кўп минг нусхада чиқарилади. Шонр тўпламларининг бирини унинг Совет Иттифокнинг 15 та қардош республикаси халқлари тилларида таржима қилинган асарлари кирди.

Республика кинематографиячилари юбилейга тайёргарлигини авж олдириб юбордилар. Ҳозирнинг ўзида Ҳамзага бағишланган 5 та ҳужжатли фильм тикланди. «Бой ила хизматчи» ва СССР халқ артисти Олим Ҳўжаев бош ролини ижро этган «Ҳамза» бадий ленталарини тиклаш юзасидан иш олиб боришмоқда. «Майсаранинг иши» янги фильмининг суратга олиш тугалланмоқда.

Комиссия ўз составига қисман ўзгаришлар киритди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёкубов комиссия раисининг ўринбосари, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаймонов комиссия секретари қилиб тасдиқланди.

Мажлис чоғида Ҳамза туғилган кунининг 100 йиллиги ташкилий ва ғойий жиҳатдан ғоят юқоқса савияда ўтказилиши лозимлиги таъкидланди. Ҳамза Ҳакимзода Ниязий фақат ўзбек совет адабиётининг асосчиси эмас, унинг бутун қўшмиллатли совет адабиётига қўшган хиссаси беқиёсдир ва аjoyиб шонр, драматург, публицист хотирасини муносоқ баҳолаш зарур.

(ЎЗТАГ).

Ишончли мулоқот

— Бизнинг корхонамиз яқиндаги «Гастроном» бекати олдида (Бозорча йўлида) одамлар тилида «Хайт йўли» деб аталган ўзига ҳос савдо-сотик юртилимоқда. Бу ерга турли хил автодўноқчалар келди. Уларнинг сони жуда кўп. Бизни энг ғижинтираётган нарса шуки, кап-кайти йиғилган, эркак кишилар хотин-қизларнинг шахсий бўюмлари, ички киёмим-кечаларини сотишляпти. «Келиб қолдинг, фалон нарсалар...» дейишди масхараётгандек, ҳаммага «кўз-кўз қилиб. Неҳотки улар ўзлари бажараётган бу ишдан қониқиш ҳосил қилишявган бўлса!

Носир Раҳматуллоев, «Ўзоргтехдортрой» трести инженери.

— Орол муаммоси бўйича газетада яхши материаллар берилди. Уни давом эттириш керак.

Иккинчи масала шаҳарга қовун-тарвуз олиб келишда ҳамон қийинчилик, ҳар хил тўсқин-

ликлар бўляпти. Бозорда уларнинг нархи ба-ланд. Бу мавзунлар доимо эътиборда турниш керак.

Унда Сандакбарова, Юнусовд массиви, уй бекаси:

«Турмуш чорраҳаларида» рубрикасида қизиқ-чи қолдик. Ававаллари, унча қизиқмас эдим. Кейинги пайтларда анча қизиқарли бўляпти менимча. Сабаби, иложи борица унча ҳаётдаги бор фактлар асосида, адресли қилиб ёзи-са яхши, таъсирчан бўлади.

Мамура Умарова, Чилонзор райони, 9-қар-тал, 9-уй, 7-қаватда истиқомат қилади:

— Болалар ва ўсимирлар ахлоқ-одоби ҳақи-да материаллар кўпроқ берилса. Болаларни етим қолдириш ҳақида очик-ойдин, ота-она-сининг иеи-фамилияси, иш жойлари аниқ кўрсатилиб, кенг газетхонлар ўртасига ташлан-са, яхши бўларди! «Халтадаги чақалоқ нидо-си» каби таъсирчан мақолалар ўқиниш истай-ман.

«Ишончли мулоқот» қабулхонасидан

Телефон орқали «Ишончли мулоқот» — газетхон билан газета ўртасидаги энг оператив алоқа воситаси бўлиб қолгани ҳа-қида Т. Салимова, Р. Салоҳиддинова, Н. Ядеев, Р. Салимова, Б. Абдуллаев, Ш. Яйдошев, К. Ҳамидова, Н. Эргашева ва бошқалар



Бизнинг
интернационалчи-
жангчиларимиз

«Кетди деб қайғурманг...»

Харбий комиссариат офицери унга ажабланиб тикилди:

— Харбий қурувчилар қисмининг нега хоҳламайсиз? Қасб ўрганадиз, пул ишлайсиз.

Офицер шундай дея унинг шахсий ишини қўлга олди. Танишаркан чехрасида қишқир акс этди.

«Мирмахмуд Аҳмедов, 1969 йил 28 апрелда Тошкентда туғилган. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти автоматика, телемеханика ва алоқа факультетининг 1-курсини тугатган. Самбо бўйича разрядли. Радио телемастерлар тайёрлайдиган 8 ойлик курсин битирган. 1985 йилдан ВЛКСМ аъзоси».

Офицер бошини қўтарди.

— Қандай қисмин хоҳлайсиз?

Мирмахмуд юзи ёришган ҳолда дадил жавоб қилди:

— Иложи бўлса десант ёки инженерлик қисмига, Афғонистонга юборсанглар.

Комиссариат ходими ўзбек йигитлар орасида бундай дадилларини кам учратган эди.

— Икки ҳафтадан кейин келинг, — деди офицер ўрнидан туриб, — илтимосингиз бажарилади.

У Мирмахмуднинг қўлини самимий қисиб қайрашди. Йигит тўғри ўзи ўқиган мактаб томон йўл олди. Харбий раҳбар ҳамда тарих ўқитувчиси билан учрашиб комиссариатда бўлган гапни айтиб берди.

— Аёл йигит шунақа бўлади, — деди устоз мамнуллигини яширмай, — аммо ота-онанинг бу ҳақда гапирмай чакки қилбсан.

Мирмахмуд ўзига илк харбий илмдан сабоқ берган Растворцевдан қатор тавсия ва маслаҳатлар олди. Уларга амал қилишга аҳд этди.

Хизматга юзаш кунин буювси Замира опа, онаси Рамуза ва отаси Мирсаъди акага қараб шундай деди:

— Ердангиз кетди деб қайғурманг. Мен албатта, қайтаман.

Синглисиз! — 15 йилни Феруза ва 10 ёшли укаси Олимга эса:

— Йўқлигини билдирманглар. Хонамдаги тартибни бузманг. Қайтиб келганимда уни биргаликда қайта янхозлаймиз. Мени кутинглар. Албатта, қайтаман! — деди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси конструкторлик бюроси инженери Мирсаъди Аҳмедов ўзларидан шундай маъмулдиги хат олди:

«Ада! Сиз 24 январда юборган хатингизда «эркак кишиндан эркак кишига» деб сарлавҳа қўйилган экан: ўша хатингизни қўйиб қўйилган олиб ўқиб чиққандин кейин бир кун рота командири ўринбосари мени хушроққа чакирди:

— Аҳмедов! Биз отангдан хат олдик. Мана бунга хат деса бўлади! Мен биринчи марта шундай сермазмун ва энибга хос хатини ўқичим! Биз, командирларнинг қўзини очиб қандай хат ёзишни ўргатди. Айтчи, отанг қаерда ишлайди?

— Фанлар академиясида, — дедим фахрланиб.

— Молодец отец! — деди командир.

Хатманнинг оғзини очиб қўйишдан. Раҳмат, ада! Хатларингиздаги маслаҳатлар қулоқ соламан. Ойи, сингизига ҳам. Шунинг учун меҳдан хавотир олманглар.

Ойи ва Феруза! 8 Март ҳам қиянлашиб қолди. Шу муносабат билан мен сингларини табрикларим. Табрикнома ошқиртади».

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти катта ўқитувчиси Рамуза Маҳмудова ўғли Мирмахмуддан келган хатни диққат билан ўқиди.

«Ойи! Сиз хатингизда мен турган жойда «духлар» — душманлар борми? деб сўрабсиз. «Духлар ҳеч қачон бир жойда бўлмайди. Бугун тоғда бўлса, эртага борада деталаридек улар Афғонистоннинг ҳар ерида бор.

Ойи, сиз шахсий делого маълумотим 10-синф деб ёганим учун Афғонга тушгансан дебсиз. Мен бир ўзимни бу ерда? Ўқув ротасида менга ўхшаган собиқ студентлар кўп эди. Уларнинг қариб барчаси ҳозир шу ерда.

Мана, эртага — 16 апрелда охириги сафарга кетамиз. 25 апрелда қайтиб келамиз. Насиб қилса яқинда Иттифоқимизда бўламиз. Соғ бўлинглар.

Маҳмуд.

Жалолобод, Мелодий 16 апрель 1988 йил. Ҳижрий 1388 йил».

Бу Мирмахмуд ёзган сўнгги мактуб эди...

○

Май ойининг бошида Рамуза Маҳмудова ва Мирсаъди Аҳмедов номинга харбий қисмдан расмий хат келди:

«Хурматли ота-она! Сизларга катта қайғу ва надиломла ўғлингиз Мирмахмуд Мирсаъдиевич Аҳмедовнинг 1988 йил 28 апрелда ҳалок бўлганини хабар қиламиз.

Хизмат давомида у ўз харбий ўқувини аъло даражада оқди эди. Кўп марта командирларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлган эди. Ишонинг, «бўлган эди» сўзини ёзиш бизга нақадар оғир!

У жасур ва идрокли жангчи эди.

Мирмахмуд ўз меҳнати билан ҳақли равишда хизматдошлари ва командирларининг хурмат-эътиборини қозонди. Хизматдошлари унинг қиёфасида ҳар қандай шартда ҳам ерданга тайёр ишончли дўст ва содиқ ўртоқни кўрадилар.

Мирмахмуд Коммунистик партия ва социалистик Ватанга садоқат намунасини кўрсатиб юксак маънавий-сиёсий фазилатларини, мардлик ва жасоратини намойиш қилди.

Ўғлингиз хотираси унинг жанговар ўртоқлари ва командирлари қалбиде сақланажак.

Бошингизга тушган мусибат муносабати билан чуқур таъзияминиз қабул этинг.

Харбий қисм командири.

○

«Мен, лейтенант Бордун А. Г., инженер-сапёрлар ротаси командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари ўғлингизни бўлимининг энг яхши командири, қийин фурсатда доимо мададга тайёр ўртоқ сифатида билардим. Бир даврдан келтираман, Мирмахмуд рота бўйича навбатчи эди. Тўсатдан қўқ ярим кечада ярадорларга қўқ қўйиб керак бўлиб қолди. Шунда сержант Аҳмедов бир дақиқа ҳам иккинликни қўймади. Ярадор ўртоқлари учун, уларни ҳаётга қайтариш учун ўз қонини берди.

Аҳмедов билан сиёсий машғулотларда гаплашиб қандоқ мароқли эканини билсангиз эди! Қандай билимдон, сиёсий етук ўртоқ эди у!

Коллективда уни барча хурмат қилар эди. Чунки Мирмахмуднинг бағри кен эди. Унинг бўлимининг келган оддий солдат Петров жуда гўр эди. Аммо сержант Аҳмедов ўзининг командирларга хос талабчанлиги, шахсий намунаси ва меҳрибонлиги билан Петровни намунали жангчилар қаторига қўшди. У ҳақда яна кўп яхши ва азгу гапларни ёза бўлади. Энг муҳими Мирмахмуд катта ҳарфлар билан ёзилган инсон эди. Ҳамма уни севар ва хурмат қиларди...».

«Мен Мирмахмуд билан бир взводда хизмат қилдим. Ўзлашга арзирли воқеалар кўп бўлган. Бирини ҳикоя қилиб берай. Биз Мирмахмуд билан колоннанинг Кобулга қўй хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажаришга киришдик. У шунда билимдон ва тадрибли сапёр эканлигини кўрсатди. Бир неча кундан сўнг йўлда озик-овқатимиз тугаб қолди. Орқага қайтишни иложи йўқ. Жанговар тошхирини бажармай кетишимиз мумкин эмас. Нима қилиш керак? Шунда Мирмахмуд:

— Огайилар! Мени кутиб туринглар. Қишлоққа бориб келаман. Ахир юртдошларимиз шу ерда ҳам бординг? — деди.

У бир ўзи кетди. Биз хавотир аралаш уни кута бошладик. Ярим соатлардан сўнг Мирмахмуд мамун ҳолда олдимишга қайтди. Қўлида нон ва ёғ солинган тутучча. Биз қийқириб қилан командиримизни осмонга иргатдик.

У ана шундай қўрмас, топқир ва меҳрибон командир эди.

Хурматли ота-она! Мабодо сизларга ёрдам керак бўлса мен хизматларингизга тайёрман. Менинг адресим:

Догистон АССР, Маҳачқалъа шаҳри, Ботлик район, Ботлик қишлоғи. Герей Шарафуддинович Мусаев».

○

«Ўғлингиз менинг взводимда хизмат қилди. Ярим йилдаёқ билимдон командир сифатида ўзини кўрсатди. У одамлар билан ишлашни биларди, рота шахсий состави учун доимо намуна эди. Солдат ва командирлар ўртасида ҳақли равишда обрў қозонган эди. У билан ишлаш энгил ва мароқли эди. Маҳмуд ўз тенгдошларидан бир неча поғона баланд бўлганини тан оламан. Ҳалол ва билимли, саводхон ўғлини тарбиялаганингиз учун Сизларга минг раҳмат!

У билан фахрланингиз!

Эдуард Алексеевич Бережний, Тюмень шаҳри.

○

«Дўстимни эслаб ўқиб йиғлагим келиб кетди. Яна ўзимни тутиб оламан-да начора, деб тақдирга тан бераман.

У билан ўқув ротасида танишган эдим. Ўшандаёқ у ўз фаоллигини кўрсатди. Ўртоқлари ва командирлар олдига эътибор қозонди. Взвод комсорглигига сайланди. Афғонистонда ҳам бирга хизмат қилдик. У ўз бўлимининг билан чин қўнғилдан ишлади. Унинг ишларини йиғилишларда тилга олишиб «Сени ўстирганга раҳмат!» дейишарди. Сизлар биласизларки, бундай сўзларни эшитиш ҳар кимга ҳам насиб қилвермайди.

Бир кун у қувониб:

— Аваз, эшитдингми, яқинда Ватанимизга қайтар эканмиз, — деди.

Унинг орзу-умидлари катта эди. Мени Мирмахмуджонга бўлган дўстлигим қурагани сўнамас. Такрор-такрор айтганим, Сизларга катта умидлар билан ўз адресини қолдираётиман.

Авазбек Рақиров, Бухоро области, Шафиро Райони, К. Маркс номили кўлхоз, 4-бригада, Ҳовли-паён қишлоғи, 91-ўй.

○

Қаҳрамон ҳамшахримиз, Совет Армияси аълосини, 1-класс мутахассисин, Қизил Юлдуз ордени кавалери, сержант Мирмахмуд Аҳмедов яшаган «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивидаги 2-квартал 1-ўй, 12-квартирага Иттифоқимизнинг турли жойларидан шундай мактублар келиб туради. У ўқиган Октябрь районидagi 76-мактабда эса унинг хотира музейи ташкил этилмоқда.

Жангчи-интернационалчи Мирмахмуд Аҳмедов одамлар қалбиде, эл-юрт хотирасида абадий яшайди. Донолар айтганидек, қоларкан дунёда ботирнинг иши!

Ҳамдам СОДИҚОВ, заведующий офицер.

Иккинчи аср остонасида

Суратда кўриб турганингиз тўқис оила аъзолари кўтулғ кунда ғамхўр оталари, меҳрибон бувалари Шоахмуд отани юз ёшга тўлган кунлари билан қўтлашга келганлар. Отаҳоннинг умр мобайнида босиб ўтган йўли Ватанимиз тарихи йўллари билан ҳамбарчас боғлиқ десак лоф бўлмайди. Камбағал деҳқон оиласида вояга етган Шоахмуд Шоюсупов Октябрь инқилоби нурларидан баҳраманд бўлди. Диёримизда янги ҳаёт қурилишида актив қатнашди. Улуғ Ватан уруши фронтлариде ҳам жонбозлик кўрсатди. Ана шу суроли йилларда ўғли Тулагандан жудо бўлди.

Отаҳон ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. Меҳрибон қизлари, неваралари ва жажжи эваралари бош бўлган фойзли бу инсон шахримиздаги Собир Раҳимов район, Сағбон кўчасидаги 25-уйда истиқомат қилапти.

Акмал Икромов район кўпрофилли касалхона бош врачси ўринбосари Муҳаббат Азизова отанинг энг тўғичи невараси. Укаси Солиқон Азизов билан бирга бувалари соғлиғига доимо ғамхўрлик қиладилар.

— Ўғлим бўлмаса ҳам қизларим ва невараларимдан бўюри. — дейди отаҳон шодланиб. — Шундай бахтли кунларга етиб келганимдан бахтлиман.

Маъмур НАЗАРОВ.

Автор фотоси.

СУРАТДА: Шоахмуд Шоюсупов оиласи аъзолари.



Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОЙИ.

Янгича аъналар—ҳаётимиз кўрки

Оила файзи

Киров районидаги Янгириниқ маҳалласида фаровон турмушимиз мазмунига ҳамоданг янгича аъналарини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Бу тадбирларини амалга оширишда маҳалла активларининг ҳиссаси катта бўлпти.

— Бир неча йилдан буён маҳаллада тўйлар ичкиликсиз ўтмоқда, — дейди маҳалла комитети раиси, юридик фанлари кандидати Кабир Қомиллов. — Кўпгина ортинча ҳашамларга ҳам чек қўйдик.

Ибратли тадбирлардан маҳалла аҳли хурсанд. Ахир ҳар бир оиланинг иккинчи мос бундай маросимлар кимга хуш келмайди дейсиз? Яқинда бу аъналарни қаторига яна бир янги тадбир қўшилди.

— Маҳалла активлари район маданият уйи ходимлари билан биргаликда «Нафосат» клубини ташкил қилганди, — дейди тўй-маросимларини ўтказиш комиссиясининг раиси, республикада хизмат қўсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ ака Набиқўжаев. — Клубнинг илк йиғинини қайнона келинлар давра суҳбатига бағишладик. Давра суҳбатини «Мустаҳкам оила пойдевори» деб атадик. Ахир оиланда аёлнинг ўрни жуда юксак. Аёл оқила бўлса, хонадонда кут-баракат, тотуғлик бўлади. Аммо беш кўл баробар бўлмаганидек, тоғида баъзи аёллар, айниқса ёш келинлар янги тушган жойда ўзларининг ҳақ-хуқуқларига ортинча баҳо бериб юборишда, қарларга «бойвачча»ларнинг ҳаётини пеш қилиб

эрини камситиб юрадиганлар ҳам йўқ эмас. Бу билан улар ўз оиласининг оёқ-таллигига путур етказишди. Бундайлар ҳақида Герцен: «Ўз эрининг орзу-хавасидан бегона, уларни рўбга чиқаришга иктилмаган аёл «хотин» деб аталган олижаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас», деганди. Халқимизда «Эрин эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деб бежиз айтилмаган. Ахир аёл киши ўзининг латофати, назокати, озодаллиги, ширин сўзи, одоби ахлоқи билан гўзал эмасми!

Оила муқаддас даргоҳ! Она-Ватан туйғуси ҳам мана шу даргоҳдан бошланади. Йиғинда сўзга чиққан ўн уч фарзанднинг онаси, етти нафар келинга қайнона Қўрбон опа Ғаниева, кўп болали она Махсумонова, Шоабдураҳмонова, район ЗАГС бўлими ходимлари Замира Сатдиева ва Раҳима Азизова, маҳалла хотин-қизлар совети раисининг ўринбосари Иноятхон Қўчқорхўжаевалар хонадон файзи бўлган аёллар ҳақида, қайнона-келинининг ўзаро муносабати тўғрисида қимматли фикрлар айтишди.

Кечага ташриф буюрган Киров номида маданият уйининг бадий раҳбарини Фарида Ҳайдарова бошчилигидаги санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан аёлларнинг дилларини хушқуд эттирди.

Алҳам ДАМИНОВ.

○ СУРАТДА: давра суҳбатидан лавҳа.



Катталар учун эртақлар

«Хўроз йўлда ҳам қичқиради»

Хўрозбоз хўрозига дон сочиб турган эди, номозшомада меҳмон келиб қолди. Одатга мувофиқ меҳмон бориче зиёфат ушотирди. Меҳмон хўрозга ишқивоз бўлиб қолди ва уни бир илож қилиб олиб кетиш пайига тушди. Меҳмон иш билан ташқарига чиққанда, меҳмон хўрозини халтасига эҳтиёт қилиб жойлаб қўйди. Меҳмон киргач:

— Бизга рухсат, йўлдан қолмайлик. Борадиган еримиз узоқ, — деб меҳмон кўзгалиб қолди.

— Ярим кечада қайқа борасиз, саҳар чоғи хўроз биринчи чакриши билан уйготаман, — уй эгаси одоб юзасидан мулозимат қилди.

— Йўқ, кечирасиз, кетмасам бўлмайди, иш зарур, тасароқ кетшим керак, иннайкейин, хўроз йўлда ҳам қичқиравереди, — меҳмон сафەر халтасини орқалаб йўлга олганди.

Меҳмон меҳмоннинг сўнгги гапидан ҳайратланди. «Бир қайнона пастроққа ўхшайди», деган ҳаёл билан уни кузатиб қўйди. У тоза ҳавода айланиб уйга киргач, ётар маҳалда хўроздан хабар олмоқчи бўлиб, қўйган жойи — хона бурчагидаги кавчага ичинин қараса, хўрози йўқ. Эсига лоп этиб ҳалиги меҳмоннинг «Хўроз йўлда ҳам қичқиравереди», деган гапи келди. Кўчага қочди, аммо вақт ўтган эди.

Баҳона қилиб кетмоқчи бўлибди. Унинг ниятини сезган отаси:

— Ўғлим, мени ташлаб кетсанг ҳам, саватчани олиб кет. Сен ҳам саватчага тушиб қоларсан, — дебди.

Отасининг бу гапи ўғлига жуда қаттиқ тўғсир қилибди. Шундан кейин то отасининг қалбига етгунча садоқат билан саватчада кўтариб юрарибди. Филологик фанлари кандидати Сиддик АСҚАРОВ ўйлагани.

«Саватчани олиб кет, ўғлим»



Акс садо

Шараф тожи

«МЕНИНГ БЕОЗОР ОНАЖОНИМ»,
«Тошкент оқшони», 1988 йил 17 сентябрь».

Она! Бу сўз нақадер ширин, нақадер улугвор! Инсон бу сўзни айтганда башариат ижодкори — азиз аёлни кўз ўнгига келтиради. Мен «Тошкент оқшони»нинг шу йил 17 сентябрь сониде «Менинг беозор онажоним» мақоласини ўқиб чуқур ҳаёлга толдим, азиз ва табарруқ онажонлариники меҳр-муҳаббат, интиқилик билан эсладим. Мақолада ёрқин ифода этилгандек, Қосимшоша аёл ўн саккиз ёшда бир ўғил, бир қиз билан бева қолди, бу фарзандларининг кўз ўнги оқмасин, бировлар зинда қилсин! Ўқимасин деб турмуш кўрмайди, фарошлик қилиб уларни камолга етказди, қизини узадди, ўғлини уйлантирди. Келини Ойпўлат уни хўрлайди, саксон яшар кампирини чўрига айлантиради, бу ҳам етмагандек, эри Исломга гап қақа-қақа мунис аяни калтаклатади.

Ойиқ гап, шундай гўзал ҳаётимизда гулзорда ўсган шумғилларга ўхшаш Ойпўлат ва Ислом қабил бобокорларини учратиб турмасди, улардан нафратланмасди. Уй-хонадонда инсон қалбини пинҳона ярайдиган бундай кимселар қилмишини сўзганда, маҳалла аҳли, жамоат билиб, билмаганга олмадлиги керак, уларга танбеҳ беришимиз, инсоф-диёнатга чақиришимиз лозим.

Дунёдаги ҳамма халқлар, шу жумладан биз аъзоларимиз, оналарни жуда юксак эъзозлаймиз, оналарга жон Фидо бўлсин деймиз, уйимизнинг тўрига ўтказиб қўямиз.

Лекин оналар фидокор бўлишгани учун: «Мен қариман, ётавериман керак», деб лоқайд ўтирмайдилар, уй-рузорининг минг бир ташвиш-юмушларини бажаришда, болаларимизга икки калом насихат айтсалар, уларга абадул-абад одоб бўлади. Турмушининг муаммоларини ҳал қилишда қарияларимиз яхши маслаҳатлар берадилар, шунинг учун ҳам халқимиз «қари бор уйнинг — зари бор», дейишди.

Мунис онажонларимизни доимиймандлару аломалар улуглашган. Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтди:

Онандан тортиб беш ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёғини гарди.

Ҳа, худди шундай, оналар шу қадар улугларки, уларнинг оёғи чангини бошимизга ҳаёрат тожи қилсан эрзийди. Мана шу ҳикматини ота-она қадрини билмайдиган нобокор Ислом ва унинг хотини Ойпўлат сингарилар яхши билиб олишлари керак. Яна шунинг унутмаслик керакки, бу қайтар дунё! Улар ҳам фарзанд ўстираётдилар. Ҳаёт шундай ҳодирки, тажрибалардан биламизки, ким ота-онасига нима қилса, ўзининг оқибатини ўз фарзандларидан кўради. Шунинг учун кўрпага қараб оёқ узатиш керак, ҳар бир инсон ўз келажигини ҳам ўйлаб қўйиш лозим.

Алҳамдуллоҳ ҲАЙДАРОВ,
Акмал Икромов районидеги 229-мактаб ўқитувчиси.

Бувижон, ўқиб беринг

Полизда

Эркинлик

Куним ўтар ползда Парваршишда овуниб: Банд беради ҳаёдайи, Тўрлаб қолди қовуни. Полизингиз бўлмаса, Келаверинг меҳмонга. Битта қовун не бўпти Қўли очиб деҳқонга!

Асоф тойим новот еб, Тушур бўлиб кишайди. Қосмосга ўчмади деб, Осмонга яришлайди. Бойламаган сира ҳам, Йўқдир эгар, югани. Эркаларан силасам. Бахтир эркин юрган! Султон ЖАББОР.

Боланинг тили ширин

ХАСАНИНГ ТОПШИРИҒИ
Бозорга отланаётган ота эндикига уч ашар бўлган эгизак фарзандларига мурожаат қилиб:

— Хўш, сизларга бозордан нима олиб келай? — деб сўради.

— Сочинга узун қизил лента, — деди Зухра.

— Ментайм, — деди Ҳасан нима буюришини билмай.

КЎЧАДАН ЎТГАН ҲАЙВОН
Кўчадан бир киши эшак миниб ўтиб бормоқда эди. Эшакни биринчи марта кўраётган Анвар отасидан сўради:

